

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ – ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИРОФИДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Шунингдек, мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ чет эл фуқаролари «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

30 август куни Кўксаройда мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни Мустақиллик байрами ва мукофотлар билан

табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

— Давлатимизнинг олий мукофотларини сиз, азиятларга топшириш мен учун ҳам катта шараф. Фурсатдан фойдаланиб, барчангиз-

ни, жойларда мукофотларни қабул қилиб олаётган юртдошларимизни чин юракдан табриклайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу кунларда халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йил-

лигини катта шоду хуррамлик билан қутиб олмоқда. Бобо-момола-римиз бунинг неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, озодликка интилиб яшаган. Истиқлолга эришиш — эл-юртимиз ҳаёти ва тақ-

дирида туб бурилиш ясаган буюк воқеадир. Бу ғоя, бу руҳ халқимизга ҳамisha тоғдек таянч бўлиб келмоқда.

Бугун мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда, улкан режа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Президентимиз мукофотланганларни ана шу ислохотларнинг ташаббускорлари, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари деб атади.

— Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бугун сизларнинг олижаноб ва мардона меҳнатингизни халқ муносиб баҳолаётгани, давлатимиз қадрлаётгани. Ҳамма сизларга ҳавас билан қарайди, — деди Президент.

Кейинги пайтларда дунё таҳликали бўлиб бораётгани, рақобат кескин тус олиб, иқтисодий алоқаларда узилишлар бўлаётгани ҳақида фикр билдирилди.

— Бу мураккаб шароитда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб иш тутишимиз керак. Ташқи сиёсатимизни шундай тузаяпмизки, бизнинг яққою ягона муддаомиз — Ўзбекистон манфаатини таъминлаш. Мақсадимиз — халқимизни рози қилиш. Бунинг учун имкониятлардан янада самарали фойдаланишимиз, жайдари қилиб айтганда, борини асраб, йўгини яратиб яшашимиз керак, — деди давлат раҳбари.

Бугун халқимиз бир муштак жипс. Ҳамма ўз соҳасида мамлакат ривожига ҳисса қўшмоқда. Мўтабар фахрийларимиз катта ҳаёт тажрибаси билан йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Омилкор тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ишчи-муҳандислар мамлакатимиз тараққиётига бекиёс ҳисса қўшмоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси вақиллари юртимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш йўлида фидойилик намунасини кўрсатмоқда.

Маҳаллага тушиб, ишларни манзилли ташкил этиш — давлат идоралари фаолиятининг мезонига айланди. Маҳалла фаоллари бу ислохотларга қанот бўлмоқда. Хотин-қизлар юртимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислохот-

ларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётир.

Халқимиз умр мазмунини фарзандларида кўради. Шундай меҳр-эътибор билан улғайган ёшларимиз бугун ҳамма соҳада илғор бўлиб, мамлакатимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Мард ва жасур ҳарбийлар мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида фидокорона хизмат қилмоқда.

— Мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслакдошларим, сафдошларим деб биламан. Барчамиз аҳил ва ҳамжихат бўлиб, садоқат билан меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистонни яратаётганимиз билан фахрланамиз. Халқимизга, сизлар каби мард ва шижоатли юртдошларимизга ишониб маррани катта олддик. Биз учун биттаю битта тўғри йўл, ягона мақсад бор: у ҳам бўлса, кўп миллатли халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз манфаати йўлида хизмат қилишдир. Мана шу қутлуг йўлда барчангизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг, давлатимиз раҳбари мукофотларни тантанали равишда топширди.

— Ҳар қандай мукофот бу аввало, эл-юрт эътирофи, Ватан ишончидир. Бугун кўксингизда яраклаб турган орден ва медаллар барчангизга буюрсин, сизларни янги ютуқ ва марраларга чорласин. Илоҳим, мана шундай хурсандчилик кунларимиз кўп бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин, — дея тилак билдирди Президентимиз.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, аёллар ва ёшлар иштирок этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 30 август куни

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Беларусь раҳбари мамлакатимиз етакчиси ва кўп миллатли халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан муборакбод этди, Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилади.

Ўзбекистон Президентини, ўз навбатида, Беларусь Президентини таваллуд куни билан самимий қўллаб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон — Беларусь муносабатларида юксак даражага эришилганини таъкидладилар.

Ўтган йилда товар айирбошлаш 44 фоизга, жорий йилнинг етти ойида эса яна 12 фоизга ошди. Ўтган ҳафта Минск шаҳрида қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларига доир ишлаб чиқиладиган йирик кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Давлат раҳбарлари фаол маданий-гуманитар алмашинув дастурларини давом эттириш лозимлигини таъкидладилар.

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан, жорий йил сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитини ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АРМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

30 август куни Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Арманистон Республикаси

Бош вазири Никол Пашинян билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Арманистон Ҳукумати раҳбари Ўзбекистон етакчисини яқинлашиб келаётган миллий байрам — Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, халқимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Икки томонлама муносабатларни ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Амалий ҳамкорликни илгари суришнинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН 2022 ЙИЛДАГИ «ОЧИҚ МУЛОҚОТИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, уларнинг фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда.

Натижада ўтган бир йилда **55 мингдан** ортқ **бизнес учун мўлжалланган** бинолар барпо этилди, пул айланмасини **1 миллион доллардан** оширган тадбиркорлар сони **5 мингтага** кўпайиб, **26 мингта**ни ташкил этди, экспорт қилувчи корхоналар сони **7,5 мингтага**

етиб, жами экспорт ҳажми **30 фоизга** кўпайди.

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **“очиқ мулоқоти”** доирасида тадбиркорлардан келиб тушган **12 мингдан** ортқ муурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган тақлиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда “очиқ мулоқот”да белгиланган ус-тувор вазифаларни бажариш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«САХОВАТ» ВА «МУРУВВАТ» ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ҲАМДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ПАНСИОНАТИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

“Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат

фахрийлари учун республика пансионатида истикомат қилаётган болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатишнинг янгиланган тизимини жорий этиш орқали уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини янада қучайтириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ФУҚАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги азалий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, илм-фан ва маданий-гуманитар алоқаларни амалий маъно-мазмун ҳамда янги ташаббуслар билан бойитиш, икки мамлакатнинг қардош халқлари ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони билан

Маммадова Гулянақ Закир қизи — Р.Бейбутов номидаги Озарбайжон давлат мусиқа театри вокалисти

«Дўстлик» ордени билан

Мустафаев Шаҳин Маждид ўғли — Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг академик З.М.Бунядов номидаги шарқшунослик институти бўлим мудири, академик

Аскаров Рамиз Бахшали ўғли — Боку давлат университети туркология кафедраси мудири, профессор

Биннатов Алмас Қасим қизи — Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Низомий номидаги Адабиёт институти “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон адабий алоқалари” бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН 2022 ЙИЛДАГИ «ОЧИҚ МУЛОҚОТИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Куйидаги йўналишларни ўз ичига олган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиклансин:

тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ишлаш;

тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай молиялаштириш тизимини яратиш;

тадбиркорлар учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор яратиш;

мулк ҳуқуқини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, мол-мулкни ҳақиқий бозор активига айлантириш;

тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортишни эркинлаштириш;

тадбиркорлар билан учрашувда билдирилган ташаббуслар ихросини ташкил этиш ҳамда “очик мулоқот” натижаларини кенг тарғиб қилиш.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси, тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар ва кенг жамоатчилиكنинг 2-иловага мувофиқ таркибда Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузурида **Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши** (кейинги ўринларда — Жамоатчилик кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

тадбиркорлар билан “очик мулоқот”да билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг вазирлик ва идоралар томонидан самарали ва ўз вақтида ихро қилиниши ҳолати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фўқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ихтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан, уларни ахборот-коммуникация технологияларидадан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

тадбиркорликни ривожлантиришга тўсик ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда вақолатли давлат органларига тақдим этиш;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишловҳларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий қўнималарини шакллантиришга қўмаклашиш.

4. Бош вазир ўринбосарлари Ж.Ходжаев ва Ж.Қўчқоров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Қудратов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) “Йўл харитаси”ни амалга оширишга нуфузли халқаро ташкилотлар ва миллий илмий-тадқиқот муассасалари экспертлари ҳамда мутахассисларини жалб этсин.

5. Қуйидагиларга:

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

Бош вазир ўринбосарлари Ж.Ходжаев ва Ж.Қўчқоровга — “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳамда амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳолати бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳисоботлари ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида эшитилидиги;

“Йўл харитаси” ихросини танқидий қўриб чиқиш ва йўл қўйган камчиликлар учун тегишли масъулларга чора қўриш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ҳузурида ҳар чоракда йигилишлар ўтказилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Ходжаев, Ж.Қўчқоров) бир ой муддатда тадбиркорлар билан “очик мулоқот” доирасида билдирилган ташаббус ва таклифларни амалга ошириш натижасида тадбиркорларнинг фаолиятида юз берган ижобий ўзгаришларни ёритиб бориш юзасидан медиа-режа тасдиқласин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари тасдиқланган медиа-режа асосида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситалари ҳамда интернет саҳифаларида кенг ёритиб борсин.

8. Мазкур қарорнинг ихросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У.Мурзаков зиммасига юклансин.

“Йўл харитаси” бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2023 йил 1 февралга** қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 30 август	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

«САХОВАТ» ВА «МУРУВВАТ» ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ҲАМДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАҲРИЙЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ПАНСИОНАТИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатини (кейинги ўринларда — тиббий-ижтимоий муассасалар) **Давлат божхона қўмитасига бириктириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

2. Белгилансинки, Давлат божхона қўмитаси:

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг инфратузилмасини яхшилаш;

тиббий-ижтимоий муассасаларда васийликка олинган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга **тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий услуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этиш**;

тиббий-ижтимоий муассасаларда васийликка олинган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, **уларни протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник ва гигиеник воситалари билан таъминлаш**;

тиббий-ижтимоий муассасаларда васийликка олинган ногиронлиги бўлган шахсларни **ижтимоий мослаштириш ва уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш бўйича зарур** шароитларни яратиш;

тиббий-ижтимоий муассасаларда васийликка олинган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг **бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда интеллектуал, жисмоний ва ижодий қobiliятини ривожлантириш**;

тиббий-ижтимоий муассасаларда васийликка олинган шахслар учун **маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан, концерт дастурларини ташкил этиш** орқали уларни маданий ҳаётдаги фаол иштирокчини таъминлашда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига доимий равишда қўмаклашадди.

3. Давлат божхона қўмитасига (А.Мавлонов) мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун **қўмитанинг махсус жаамгармаси маблағларини йўналтириш ҳуқуқи берилсин.**

4. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков):

а) **2023-2024 йилларда** Давлат божхона қўмитаси (А.Мавлонов) билан биргаликда “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлариининг ҳудудида **видеокузатув мосламаларини ўрнатишларини** таъминласин;

б) **2022 йил 1 октябрдан бошлаб** Халқ таъминини вазирлиги (Б.Саидов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда тасдиқланган

режа-график асосида “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларидаги **тарбиячиларни ҳар йили камида бир маротаба малака ошириш курсларида ўқитиш тартибини** жорий этсин;

в) **2023 йил 1 июнга қадар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда руҳий ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган шахсларнинг **замонавий абилитация ва реабилитация муолажаларидан** ўтиши учун “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари негизида зарур технологик шароитларни яратсин.

Бунда амбулатор шароитда даволанаётганлар учун **янги педагогик ва инновацион технологияларга асосланган дастурлар жорий этилади** ҳамда ота-она ёки васийларга маслаҳат ёрдамлари кўрсатилади;

г) **2022 йил якунига қадар** ҳамда келгусида ҳар йили камида бир маротаба Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида васийликка олинган шахсларни навбатдан ташқари диспансеризациядан ўтказишни ташкил этсин ҳамда натижасига қараб уларга манзилли тиббий-профилактик тадбирларни белгиласин;

д) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) билан биргаликда:

тиббий-ижтимоий муассасаларни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт турлари билан шуғулланиши учун **зарур бўладиган спорт асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва бошқа инвентарлар** билан таъминласин;

ҳар йили 1 июнь “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини” бағишлаб “Мурувват” болалар уйлариининг тарбияланувчилари ўртасида республика миқёсида спорт мусобақаларини уюштирсин.

Белгилансинки, спорт асбоб-ускуналари, жиҳозлар ва бошқа инвентарлар хариди Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жаамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

е) Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев) билан биргаликда **ҳар чоракда тиббий-ижтимоий муассасаларда** васийликка олинган кексаларнинг **театр, концерт ва музейларга таширф бюуриши ҳамда таниқли ёзувчи ва адиблар билан маданий ва маърифий тадбирлар** ўтказилишини ташкил этсин.

Бунда маданий ва маърифий тадбирлар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жаамгармаси маблағлари ҳисобидан қўллаб борилиши таъсия этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб** Давлат божхона қўмитаси раисига божхона органлари томонидан аниқланиб, давлат даромадига ўтказилган товар моддий бойликларни Тиббий-ижтимоий

хизматларни ривожлантириш агентлигининг асослантирилган сўровларига асосан тиббий-ижтимоий муассасаларга бегараз топириш ҳуқуқи берилсин.

6. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда Наманган вилоят ҳокимлигининг 2022 йилда Наманган вилоятининг “Саховат” интернат уйи ҳудудида **нурунийларнинг бўш вақтини самарали ташкил қилиш мақсадида кундузи пуллик хизмат кўрсатувчи “Кексалар боғи”**ни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда Наманган вилояти “Саховат” интернат уйининг ишчи-ходимлари томонидан доимий яшовчилари бўлмаган **кексаларга кундузги тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатилади.**

7. Белгилансинки, тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни **ижтимоий мослаштириш ва уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш** учун ўқув устоналарни ташкил этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) “Саховат” интернат уйларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов) “Мурувват” интернат уйларида **ҳар йили камида икки маротаба** васийликка олинган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун **ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик, тикувчилик ва уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мос йўналишлар бўйича қисқа муддатли бепул курсларни** ташкил этсин.

8. Савдо-саноат палатасининг “Ихтимоий маҳсулот” электрон сотув платформасини ишлаб чиқиш ва **2023 йилдан бошлаб** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида истиқомат қилаётган шахслар томонидан қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма савдоларини мунтазам равишда ташкил қилиш амалиётини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.


9. **2022 — 2025 йилларда “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш** бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқласин.

10. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилаётган 300 ўринли “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйини ахратилган маблағ доирасида аёллар интернат уйига мослаштириш бўйича таклифига розилик берилсин.

Жиззах вилояти ҳокимлиги **2022 йил 1 октябрга қадар**: Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилаётган “Мурувват” аёллар интернат уйини куриш ишларини якунласин ва тўлиқ фойдаланишга топширилишини таъминласин;

Муносабат

ВАТАН ҲИМОЯСИ, ЭРКУ ОЗОДЛИГИ УЧУН
КУРАШИБ ЯШАШНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ



29 август кўни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таширф бюуриб, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳайкални тантанали очди.

Ушбу муээзам мажмуа халқимизга энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги олдидан муносиб туғфа бўлди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда буюк алломаларимиз, азиз авлибаларимизнинг бебаҳо мероси, энгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Президентимизнинг ташаббуси ва ғояси асосида кўна ва ҳаммisha навқирон Урганч шаҳри марказида Хоразми-шоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмодори, моҳир саркарда Жалолиддин Мангуберди сиймоси қад ростлагани бежиз эмас. Ушбу буюк шахсининг умр мазмунини, ҳаётини аъмолни, қарашлари, бажарган ишлари ҳар биримиз учун ибратдир.

Ҳар бир халқнинг бахти нимада? Шубҳасиз, унинг эркинлигида, озодлигида. Агар у фаровон ҳаёт келчирса-ю, лектин тақдирини бошқалар хал қилиб турса, бу халқ “бахтлиман” деб баралла айта олмайдми. Шу маънода, ғоявий хуружлар мустамлакатчиликнинг замонавий қўрнини, онгу қалбни забт этиш қуролига айланган бугунги тахликали дунёда ёшларга бошимизда парлаб турган истиклол қўёшининг қадр-қимматини сингдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Бу борада тарихимизнинг ажралмас саҳифаларидан бири бўлган Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ўта таъсирчан, шонли ва ишончлидир.

Тўғрисини айтиш керак: улуг саркарда ҳақида кўпчилигимиз етарли даражада билмаймиз. Аслида, бу ачинарли ҳолатга айбдор эмасдекмиз. Чўнки собиқ тузум даврида ушбу улуг аждоди-миз ҳаётини ҳаққоний ўрганиш, эл-эрт озодлиги учун машаққатли кураши, жасорат ва матонатини халққа тарғиб

қилишга йўл қўйилмади. У тўғрисида ёзилган илмий ва бадийи асарлар, тадқиқотлар одамлар кўзидан пичхон тутилди, бу ҳақдаги “сирлар”ни очиш тақибга олинди.

Босим, элимизнинг ёвқур ўғлони — халқ қаҳрамонини билиш, уни англаш қалбларга ҳуррият эпкинларини олиб киришни, инсонларга мустамлакатчиликка, зулм ва истибдодга қарши кураш туйғуларини жунбушга келтириши мумкин эди-да.

Ростини айтганда, сохта мафкура таъсирида улғайган тафаккурларнинг барчаси истиқлолга эришилган бугунги замонда ҳам ёт ғоялар қўсурларидан тўла тозаланди, дея олаимизми? Ҳозирги кунда ҳам ўтган мустабид даврни қўмсовчи одамлар орамизда топилмайдими? Таассуфки, бу саволларнинг жавобларидан кўнглимиз тўк эмас.

Шундай экан, юртдошларимизда миллий гурурни уйғотиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳур ва озод яшашнинг қадру аҳамиятини чуқур англаш, ватанпарварликни кўнайитириш ғоятда муҳим. Ушбу фазилатлар айнан Жалолиддин Мангуберди сиймосида уфуриб турибди. Улуг саркарда Ватан ҳимояси, эрки озодлиги учун курашиб яшашнинг ёрқин тимсолидир.

Салобатли Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси Урганч шаҳрининг олис ҳудудларидан ҳам кўзга ташланма туради. Ҳайкалдаги ҳар бир деталь ёрқин маноларга эга. Баланд, қоя устида қўлмига қилич тутганга тулпори жоловини маҳкам тутиб, эл-эрт ҳимоясига отланган буюк султон қиёфасида чўнг қатъият, жасорат, мағрурлик зоҳир. Ёдгор-

лика боқиб, унинг Ватан эрку озодлиги йўлида ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмаганига компл ишонч ҳосил қиласиз. Қалбингизда шижоат уйғонади, чексиз гурур, фахр-ифтихор жўш уради. Рўмингиз кўтарилиб, ҳар бир ишда бўлак аждодларга муносиб бўлиш учун ўзингизга сўз берасиз. Эртанги кунга ишончингиз ортади.

Халқимизнинг ушбу мард ўғлони Чингизхон қўшинига илк бор 21 ёшида рўбарў келган. 32 ёшида вафот этган бўлса, демак, у ҳаётининг 11 йилини жангу жадалларда ўтказган. Ёшгина бўлгунлариб, мўғул босқинчилирига қарши 300 дан ортиқ жангларда шундай ёвқурликларни, шиддат ва шижоатни намоён этгани, унинг номини эшитганда душман титроққа тушадиган бўлиб қолган.

Шу вақтга қадар йўлида учраган қўшинни аёвсиз тор-мор этиб келаятган Чингизхон урушда биринчи бор Жалолиддиндан енгилга бошлаган. Жумладан, тўрт муҳорабада саркарда томонидан мўғул қўшинига қақшатқич зарба берилган. Ўша даврда Чингизхон аллақачон бутун Ер юзида афсонага айланган эди. Айниқса, мусулмон халқларда ушбу ёнйига қарши туриб бўлмайдми, улар яқуж-мажужлар, деган тушунча пайдо бўла бошлаганди. Жалолиддин Мангуберди мана шу қарашни пароканда этди. Чингизхонга қарши курашиб, уни мағлуб этиш мумкинлигини исботлади. Қалбларда эртанги кунга умид гулганини ёқди. Халқлар ўртасида райрат-шижоатни уйғотди. Бу ниятда улуг жасорат, жуда катта қаҳрамонлик намунаси эди.

Жасур баҳодирга ҳатто унинг ашад-



дий душмани Чингизхон ҳам “Жалолиддиндек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”, дея тан беради.

Энг муҳим жиҳат шуки, Жалолиддин Мангубердининг бошига не бир мусибат тушмасин фақат ва фақат Ватан деди, унинг истиқлолини, истиқбolini уйлди. У Хоразмишоҳлар султонини сифатида бошқа ҳукмдорлардан панох сўраси, ўз жонини ҳатарга қўймаддан бирор саройда яшаб ўтиши ҳам мумкин эди. Бирок у бундай қилмади, эътиқодига, буюк қалби амрига қарши бормади, эзгу мақсади учун курашди: бутун Ер юзини титратиб турган Чингизхоннинг кўзига тик боқди, босқинчи душман устига от сурди. Қон ютди, қон тўқди, жон олди,

Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида дадил одимлаётган халқимизга, хусусан, ёшларимизга катта руҳий қувват, туртки, мотивация бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, чакмқодек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятини намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансақ, гурурлансақ, арзийди.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Ишончим комилки, Султон Жалолиддин ҳаммisha юртимизни кўз қорачиқдай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири.

«ЭЛИМ ЙЎҚЛАБ
БИР БАХТ КЕЛДИ...»

Президентимиз Хоразмга таширфларининг бирида миллатимизнинг чинакам қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини яратиш ташаббусини илгари сураркан, буюк саркарда ҳайкали унинг матонатига хос маҳобатли бўлиши, ундан нур таралиб туриши кераклигини айтганди.

Не бахтки, орадан қисқа вақт ўтиб, барчамизнинг қўлимизни қувнатиб, Урганч шаҳри марказида ушбу муээзам мажмуа бунёд этилди. Улуг аждодининг жасорати бугунги ойдин кунларда шижоат, мардлик ва адолат фалсафаси сифатида қадр ҳамда эъзоз топди.

Энг муҳими, Жалолиддин Мангуберди ҳайкали унинг шонли ҳаёт йўли, улугвор шахсияти ва тенгсиз жасоратига монанд маҳобатли, салобатли кўринишда қад ростлади. Ёвқур ўғлоннинг қатъиятини нигоҳи унинг Ватан эрку озодлиги йўлидаги азму шижоатини, мардлиги ва матонатини намоён этиб турибди. Султоннинг қилчини қўлнга тутган ҳолда тулпорини олдинга бошлаб, олға интилаятгани бугун мамлакатимиздаги ҳар бир йигит-қизга фахр-ифтихор баишалабгина қолмай, эл-эрт ҳимояси шарафли буру эканлигини теран англашишга хизмат қилади.

Мазкур мажмуа янги Ўзбекистонда нафақат аз азиз, инсон азиз, балки буюк аждодларимиз хотираси ҳам азиз эканлигининг ёрқин намойишидир.

Султон Жалолиддин Мангубердининг виқорли, салобатли боқилишда бугун тобора ҳахонга мағрур бўй кўрсатаётган, тараққиёт йўлидан илдам ривожланиб, юксак марраларни эгалаётган давлатимизнинг куч-қудрати, шахду шиддати, шижоати ифодасини кўргандай бўламиз.

Ишончимиз комилки, бу



сўлим маскан кексаю ёш бирдек интиладиган, юртдошларимизнинг улуг саркарда сиймосига боқиб, қалблариди Ватан туйғусини бойитадиган, катта куч ва баланд руҳ бахш эта

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, университет ректори Содиқ Сафоев ҳамда “Huawei” компаниясининг Евроосиё минтақаси президенти Даниел Чжоу бошчилигидаги делегация вакиллариининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Унда мамлакатимизда олий таълим соҳасида амалга ошири- лаётган рақамли трансформация жараёнлари муҳокама қилинди.

Компаниянинг Ўзбекистондаги директори Чэнь Цзякайнинг таъ- кидлашича, “Huawei” Ўзбекистон- да 23 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб келмоқда. Шу давр ичида компания ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рақамли кўникмаларни ошириш мақсадидида маҳаллий университетлар ҳамда таъ- лим муассасалари билан яқин ҳам- корликни йўлга қўйган.

— Бугун биз Жаҳон иқтисо- диёти ва дипломатия универси- тети фаолияти билан яқиндан та- нишиш ҳамда компаниямиз би- лан ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш имконига эга бўлдик, — дейди Чэнь Цзякай. — Компаниямиз илғор технология- ларни жорий этиш ва ақли кам- пусларни яратиш бўйича катта тажрибага эга. Бу университет профессор-ўқитувчилари ва тала- баларига рақамли ечимларни таъ- лим жараёнида қўллаш имконини беради.

Мулоқот чоғида Содиқ Сафоев делегация аъзоларига Ўзбе- кистонда олий таълим соҳасида,

шу жумладан, университетда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Меҳмонлар университетнинг “Янги авлод олий таълим муас- сасаси — “Смарт университет” концепцияси асосида трансфор- мация жараёнларини юқори ба- ҳолади.

Учрашув якунида Жаҳон иқти- содиёти ва дипломатия универ- ситети билан Ўзбекистондаги “Huawei” компанияси ўртасида таълим жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш бо- расида икки томонлама муноса- батларни ривожлантириш, олий таълим муассасаси ходимлари ва талабаларининг илмий-техник са- лоҳиятини юксалтириш бўйича тажриба алмашиш юзасидан қўшма тadbирлар ўтказишга қаратилган англашув меморанду- ми имзоланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов Конрад Аденауэр жамғармаси бошқаруви раиси Норберт Ламмерт бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Сўхбат аввалида кейинги йилларда юртимизда барча соҳада амалга оши- рилаётган ислохотлар, жумладан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан давлат бошқарувида парламентнинг роли кучайтирилаётгани, иқтисодий-иж- тимой йўналишларда жиддий ўзгариш- ларга қўл урилаётгани қайд этилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислохотлар замирида “Инсон кадри учун”, “Халқ манфаати ҳар нар- садан устун” деган халқчил ғоялар ту- риши таъкидланди.

Мулоқот давомида, шунингдек, Қонунчилик палатаси фаолияти, норма ижодкорлиги, сиёсий партиялар фрак- циялари ва кўмиталар иш услублари

ҳамда парламентаризм соҳасидаги ян- гиликлар ҳақида сўзлаб берилди.

Учрашувда сўнгги йилларда икки то- монлама муносабатларнинг босқичма- босқич ривожланиб бораётгани, мам- лакатларимиз ўртасида сиёсий ва иқтисодий соҳадаги мулоқотларнинг фаоллашгани ижобий баҳоланди.

Ўз навбатида, Н. Ламмерт самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — Германия алоқалари, ху- сусан, парламентлараро муносабатлар- ни янги босқичга олиб чиқишда бор им- кониятини ишга солишини билдирди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган уч- рашувда алоқаларни янада кенгайти- ришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

МЕДИАМАКОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Америка Қўшма Штатларининг бир гуруҳ журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Парламент қўйи палатаси Спикери ўринбосари О. Тожиев ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси Д. Файзиева мулоқот аввалида меҳмонларга мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, медиамаконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар хусусида сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқа- ролик ҳамиятини барпо қилишдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган изчил ислохотлар натижасида юрти- мизда ОАВ сони 2016 йилда- гига нисбатан қарийб 30 фоиз ортиб, 1 962 тага етди.

Ўтган даврда миллий ах- борот маконимизда интернет нашрларининг сони салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етди. Бугун Ўзбекис- тон медиа компаниялари жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилмоқда.

Очиқ ва самимий мулоқот чоғида журналистларга мам- лакатимиз парламенти, хусу- сан, Олий Мажлис қўйи па- латасининг қонунчилик фао- лияти, норма ижодкорлиги, кўмиталар ва фракциялар иш услублари ҳамда парламен- таризм соҳасидаги янгилик- лар ҳақида батафсил маъ- лумотлар берилди.

Америкалик журналистлар юртимизда амалга ошири- лаётган конституциявий исло- хотлар, Конституциявий комис- сия фаолияти билан таништи- рилди. Бош қомусимизни та-

комиллаштириш жараёни аҳоли билан баамаслаҳат олиб борилаётгани, умумхалқ муҳо- камаларида нафақат юрдош- ларимиз, балки хориждаги ватандашларимиз ҳам фаол иштирок этгани айтиб ўтилди.

Сўхбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистонда олиб бори- лаётган конституциявий исло- хотларда аҳолининг яқдй қат- нашаётгани, бу эса дунё микёсида кам учрайдиган ҳолатлиги ҳамда давлатнинг халқчил, демократик ва шафдоқ сиёсатининг далили эканини билдирди.

Шунингдек, томонлар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатла- ри ўртасида конструктив ало- қалар, икки давлат ўртасида- ги ўзаро ҳамкорлик ришта- лари сезиларли даражада фаоллашганини қайд этди.

Меҳмонлар Ўзбекистон- нинг туризм ва инвестиция соҳасидаги жозибадорлиги ва салоҳиятини АҚШ оммавий ахборот воситалари орқали жаҳон ҳамжамиятига намоян қилишга катта қизиқиш бил- дирди.

Учрашув якунида бу каби мулоқотларни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ҲАР БИР МУРОЖААТ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан фуқаролар қабули ташкил этилди.

Фуқаролар қабули

Қабулда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 80 дан ортиқ фуқаролар ўзларини қўйнаётган масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Икки кун давомида 22 нафар фуқарога муаммолар ечими юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 58 нафарининг мурожаатлари “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида қабул қилиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилди ҳамда кўмиа томонидан назоратга олинди.

Мурожаатларнинг асосий қисmini ноконуний қурилиш, моддий таъминот, уй-жой таъмири, ишга тиклаш ҳамда одил судлов масалалари ташкил этди.

Яқунда мурожаатларни тўлиқ ўрганиб чиқиш ҳамда натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлардаги масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Кеча Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Р. Алимов Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги янги тайинланган Фавкулдада ва мухтор элчиси М. Жаманбоев билан учрашди.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Мулоқот чоғида Сенат кўмитаси раиси меҳмонни Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги элчиси лавозимига тайинлангани билан кутлар экан, бу фаолият икки қардош халқ манфаатлари йўлида Ўзбекистон — Қирғизистон ўртасида стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати, ривожлантириш истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича тақдирлар муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, қўшма тadbирлар ўтказиш ва ҳамкорликни, жумладан, халқаро парламентлараро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Парламент делегацияларининг икки томонлама ташрифларини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиклди.

«Халқ сўзи».

Эшитув

ВЕНГРИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ИЖРОСИДА КАМЧИЛИКЛАР БОР

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг кенгайтирилган мажлисида Венгрия Бош вазири В. Орбаннинг 2021 йил 29 — 31 март кунлари Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича имзоланган “Йўл харитаси” ижроси юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Тadbирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат компаниялари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, маҳаллий ҳокимликлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Ўзбекистоннинг Австриядаги (бир вақтнинг ўзидида Венгриядаги) элчиси А. Файзуллаев иштирок этди.

Венгрия билан умумий қиймати 134 млн. долларлик 26 та битимни амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу инвестицияларнинг жалб қилиниши озиқ-овқат, қурилиш sanoatlари, ҳудудлар коммунал инфратузилмасини модернизация қилишни бошлаш, шунингдек, янги sanoат қорхоналарини ишга тушириш имконини берди.

Сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан лойиҳаларни ўрганиш, инвесторлар билан учрашувлар якунлари бўйича қатор инвестиция лойиҳалари ва экспорт шартномалари бажарилмагани, бу борада жиддий суҳбатлашқа йўл қўйлаётгани аниқланди.

Эшитув давомида “Йўл харитаси” ижроси танқидий таҳлил қилиниб, масъул бошқармалар ва ҳудудлар фаолиятига баҳо берилди.

Хусусан, турли сабабларга кўра умумий қиймати 23 млн. долларлик 6 та инвестиция лойиҳаси белгиланган муддатдан кечикмоқда. Шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳаракатсизлиги, лойиҳалар сифатсиз ишлаб чиқишлиши сабабли 100 млн. долларлик 5 та лойиҳа истиқболсиз, деб топилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Фаргона ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари масъул этиб белгиланган эди.

Шунингдек, сенаторлар инвестиция лойиҳалари ва савдо битимларини самарали амалга оширишга тўқсизлик қилаётган тизимли муаммоларга ҳам эътибор қаратди. Хусусан, лойиҳа ҳужжатлари босқичма-босқич ва ўз вақтида ишлаб чиқишлининг етарли даражада таъминланмагани боис бу уларни молиялаштиришни бошлаш, маблагларни ўзлаштириш кечикчилик олиб келмоқда.

Қолаверса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан назорат етарли даражада эмаслиги, ҳокимларнинг инвестиция масалалари бўйича тегишли ўринбосарларнинг ҳисоботлари мунтазам тайёрланмаслиги ҳам кузатилаётди.

Яқунда Сенат кўмитасининг мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмиталарида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР БУГУНГИ КУН НУҚТАИ НАЗАРИДАН ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ



Кунги кеча парламент юқори палатаси кўмиталари йиғилишлари ўтказилиб, уларда Сенатнинг галдаги ялпи мажлисида муҳокама этиладиган масалалар сенаторларнинг диққат марказида бўлди. Эътиборлиси, масалалар ислохотларнинг ҳозирги босқичда қандай самара бериши нуқтаи назаридан муҳокама қилинди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлиси- да дастлаб “Ўзбекистон Респуб- ликасининг айрым қонун ҳужжат- ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Унга кўра, Маъмурий жавоб- гарлик тўғрисидаги кодексга те- гишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, моддий маданий ме- рос объектиларига нисбатан ҳур- матсизлик билан муносабатда бўлиш, яъни ёзувлар ёзиш, расмлар чизиб йўли билан улар- ни таҳқирлаш ёки шикаст еткази- ш, моддий маданий мерос объектиларини, шу жумладан, уларнинг тарихий, илмий, бади- ый ёхуд ўзгача маданий қимма- тига доғ тушурувчи ёки уларни масқара қилишчи ҳаракатларни содир этиш ҳамда бундай объектларга нисбатан жамоат тартибини бузувчи ҳаракатларни содир қилганлиги учун жавобгар- лик белгиланмоқда.

Мажлисида яна бир муҳим ма- сала, Бектемир туманидаги етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда бу уларни жиҳозлаш ҳолати кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 ок- тябрдаги “Етим болалар ва ота- она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни иқтимоий қўллаб-қув- ватлашга доир қўшимча чора-тад- бирлар тўғрисида”ги қарори би- лан тасдиқланган Низомга асо- сан етим болалар ва ота-она

қарамогидан маҳрум бўлган бо- лалар яшаш учун барча зарур шароитга эга, хусусан, таъмир- ланган ва ошхона анжомлари билан таъминланган, фойдала- нишга тайёр уй-жойлар берили- ши белгиланган.

Ёшлар парламенти аъзолари томонидан ўтказилган ўрганиш- ларга кўра, айрим етим бола- ларга ажратилган уй-жойларда зарур шароит яратилмаган. Бун- дай ҳолат Тошкент шаҳри, жум- ладан, Бектемир туманида аниқ- ланган.

Шундан келиб чиқиб, мажлис- да бу масала Тошкент шаҳар ва Бектемир тумани ҳокимликлари мутасаддилари, Молия вазирли- ги вакиллари, Миллий гвардия масъуллари иштирокида атроф- лича муҳокама этилди. Аниқлан- ган камчиликларни ҳал қилиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий ин- вестиялар ва туризм масала- лари кўмитаси мажлисида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида” - ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қонунни ўрганиш бўйича Сенат томонидан тузилган ишчи гуруҳ ўз фаолияти натижалари ҳақида маълумот берди. Вазир- лик ва идоралар, экспертлар то- монидан кўриб чиқилаётган қонунни тақомиллаштириш бўйича 60 дан ортиқ турли так- лифлар киритилгани таъкидлан- ди. Кенг қамровли ўрганиш ҳуж-

жатда амалдаги қонунчиликка зид бўлган ва янада ривожлантириш- ни талаб қилувчи бир қатор нор- малар борлигини кўрсатди.

Шундан сўнг мажлисида Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йл- нинг биринчи ярмидаги фаоли- яти тўғрисидаги ахборот кўриб чи- қилди.

Маърузада мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамасининг халқаро майдонда миллий ман- фаатларни йфодлаш, савдо- иқтисодий ва инвестициявий ало- қаларни ривожлантириш, хориж- да фуқаролар ҳуқуқ ва манфаат- ларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро муносабатлар соҳасида давлат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича амал- га оширган ишлари натижаси тақдим этилди.

Шунингдек, олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича тас- диқланган “Йўл хариталари” ва- зирлик ва Ўзбекистоннинг хориж- даги муассасалари томонидан қандай иқро этилаётгани таҳлил қилинди.

Оролбўйи минтақасини ривож- лантириш масалалари ва эколог- ия кўмитаси мажлисида даст- лаб “Электрон тижорат тўғриси- да”ги қонун ҳақида сўз борди. Ҳужжат электрон тижоратни ри- вожлантириш бўйича ҳуқуқий ба- зани тақомиллаштириш, замона- вий электрон технологияларни, электрон тижорат соҳасидаги му- носабатларни тартибга солиш- нинг янги воситаларини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқил- ганлиги алоҳида айtilди.

АХБОРОТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУСТКАШЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари кўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Давлат статистика кўмитаси ҳамкорлигида “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик очик маълумотларни расмий веб-сайтлар ва Очик маълумотлар порталига (data.egov.uz) жойлаштириш масалалари” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ахборот сиёсати ва маҳаллий дав- лат органларида очиклиқни таъмин- лаш масалалари бўйича доимий ком- миссиялари раислари, котибият мудирлари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очик- лигини таъминлаш масалаларига масъул бўлган ахборот хизматла- ри раҳбарлари қатнашди.

Семинарда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилан- ган маълумотларни интернет тар- моғига жойлаштириш мажбурият- ларига риоя этилиш ҳолати, жум- ладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маълумотлар- ни Очик маълумотлар портали (data.egov.uz)га жойлаштиришда йўл қўйиб келинаётган тизимли камчи- ликлар таҳлил қилиниб, бу борада- ги янгиликлар юзасидан соҳа му- тахассислари батафсил тушунти- ришлар берди.

Олиб бориладан ўрганишлар на- тижасида маҳаллий давлат ҳоки- мияти органлари, вазирлик ва идо- ралар томонидан очиклиқни таъмин- лашга оид норматив-ҳуқуқий ҳуж- жатлар талабларини бажаришда ҳамон суҳбатлашқа йўл қўйилаёт- ганлиги аниқланган.

Хусусан, 2022 йил 1 июлдан бошлаб, очик эълон қилиниши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига ки- ритилган ахборотларни давлат органлари ва ташкилотлари расмий веб-сайтнинг бош саҳифасида ало- ҳида бўлимга жойлаштириш тарти- би белгиланган. Бирок 2022 йил 18 июль ҳолатига кўра, 121 та дав- лат органи ва ташкилотининг 37 таси алоҳида бўлимни расмий веб-сайт бош саҳифасида ташкил этмагани, 15 тасида алоҳида бўлим умуман йўқлиги маълум бўлди.

Семинарда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий аҳамиятга молик маълу- мотларни ўз расмий веб-сайтида тўла эълон қилишда бир қатор жи- дий камчиликларга йўл қўйилаётга- ни ҳам айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШЛАРИ ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА

Қорақалпоғистон Республикаси йилдан-йилга мутлақо янги қиёфа касб этиб бормоқда. Сўнгги йиллар мобайнида ҳудудда қад кўтарган янги уйлар ҳам ўзининг ҳар томонлама қулайлиги билан аҳолини янада хурсанд қилмоқда.

Фикр

Давлатимиз раҳбарининг бу диёрга бўлган эътибор ва ғамхўрлигини ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, йирик бунёдкорлик ишлари, қўйинги, одамларнинг бахтли ва фаровон ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 26 август кунги Қорақалпоғистон Респу- бликасига ташрифи қорақалпоқ халқи ҳаётида янги саҳифа очди. Сафар чоғида жойлардаги учрашувлар, самимий мулоқотларни юрдош- ларимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ку- затиб борди.

Айниқса, ушбу ташриф қорақалпоқ ёшла- ри ҳаётида унутилмас из қолдиргани, шубҳа- сиз. Зеро, сафар давомида йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратил- ган устувор вазифалар белгилаб берилди. Масалан, биргина бўш турган давлат объект- ларида ёшлар ва хотин-қизларни хорижий тиллар ва ЁТ соҳасига ўқитиш курслари таш- ки этилиши қорақалпоқлик ёшлар учун катта рағбат ва улкан имконият, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қўнғирот, Нукус ва Чимбой туманларида 4 та “Ишга марҳамат” мономарказини очиш, Қорақалпоғистондаги эҳтиёждан ке- либ чиқиб, экология, қишлоқ ҳўжалиги, ир- ригация, қурилиш соҳаларида таянч докто- рантурада қўшимча кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббуслар қора-

қалпоқ халқиға қўрсатилаётган юксак эъти- борнинг ёрқин намунасидир.

Ёки қорақалпоғистонлик ёшлар учун мам- лакатимиздаги олийгоҳларга алоҳида 6,5 минг- та қабул квотаси жорий этилиши, айтиш мум- кинки, таълим олиш истагиди юрган минглаб ўил-қизларни фаолликка чорлади, орзу-умид- ларига қанот бағишлади, десак, асло янг- лишмаймиз.

Давлатимиз раҳбарининг “Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга янги- янги вазифаларни қўймоқда. Биз замон талабларидан келиб чиқиб, келгусида сизлар билан биргаликда Қорақалпоғистонда яна қўллаб қатта-қатта ишларни амалга ошира- миз. Бу янгилинишларни қорақалпоқ халқи сезиши керак. Эски усуллар билан Қорақал- поғистонда ишлаб бўлмайди”, деган сўзлари ёшу кексаннинг кайфиятини кўтариб, уларни юқори марралар сари илҳомлантирди.

Янги Ўзбекистон — мустанкил, соғлом ва баркамол ёшлар юрти. Доимо элу урт қад- ридиға вазифаларни тўғриси билан ишайдиган ўғил-қизларимиз ҳар бир соҳада ўз билими, фаоллиги, ташаббускорлиги билан янги мар- раларни забт этишга қодир. Давлатимиз яратиб бераётган имкониятларни шаҳардан тортиб, энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшлар ўз ҳаётида қис қилиб яша- моқда ва улар ҳамиша халқимизнинг юксак ишончига муносиб бўлади, деб ишонамиз.



Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг инсоният ҳаётий фаолиятининг барча жабҳасига кириб келиши ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, турли хил янгидан-янги чақириқларни ҳам юзага келтирмоқда. Ёлгон ахборотнинг замонавий рақамли технологиялар ёрдамида тезлик билан тарқалиши, фуқароларимизнинг муҳим маълумотлари сақланувчи электрон базаларга рухсатсиз кириш ёки уларга турфа киберхужумлар уюштирилишининг олдини олиш давлатларнинг кун тартибидagi долзарб масаласи ҳисобланади. Ана шундай шароитда ҳар бир суверен давлат ўзининг мустақил ва мустаҳкам ахборот маконини яратишга интилади.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР —
ЮКСАЛИШ ТАЯНЧИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб борилаётган оқилона ахборот сиёсати натижасида миллий ахборот макони янада такомиллаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, шунингдек, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида соҳада амалга оширилаётган ишлар натижасида кўзга кўринарли ютуқларга эришилди.

Жумладан, 2022 йилга келиб интернет тезлиги 1800 Гбит/сек.га етди. Таққослаш учун, ушбу кўрсаткич 2013 йилда 7 Гбит/сек., 2017 йилда 64,2 Гбит/сек.ни ташкил қилган. Кўрсатилган даврда интернетдан фойдаланувчилар сони 6 миллиондан қарий 27 миллионгача ўсди. Провайдерлар учун 1 Мбит/сек. тезликда интернет тармоғига улаиш нархи 422 АҚШ долларидан 3 долларгача арзонлашди. Ўзбекистон бўйлаб 118 минг км. узунликдаги оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. Мобиль абонентлар сони эса 30 миллиондан ошди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиниш даражаси 100 фоизга етказилди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри касбга йўналтириш ва уларни келгусида юқори даромадли касб эгалари бўлишлари учун "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳа доирасида ёшлар учун дас-

турий маҳсулот ва рақамли хизматларни тақдим этиш бўйича қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Сўнгги беш йилда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ИТ-парклар очилиб, улар орқали ўн минглаб дастурчи ёшлар юқори даромадли иш билан таъминламоқда. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг куриб битказилиши ИТ соҳасидаги хизматларни янада кўпроқ экспорт қилишга имкон беради. Биргина 2022 йилнинг биринчи олти ойида мазкур Технологик паркиннинг резидентлари 53 миллион долларлик хизматлар экспортини бажаришга муваффақ бўлишган.

Шу билан бирга, давлат органлари маълумотларини сақлаш ва техник қўллаб-қувватлашга сарфланадиган маблағларни тежашга ҳамда турли хил киберхужумлардан ишончли ҳимоя қилишга ёрдам берадиган "Электрон ҳукумат" тизими маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш ягона маркази яқинда ишга туширилди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда соҳани ривожлантириш ва фуқароларимизнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимояси йўлида мустаҳкам қонуний асослар ҳам такомиллаштирилмоқда. Ўтган давр мобайнида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ортиқ қонунлар қабул қилинди. "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Электрон хужжат айланиши тўғрисида"ги, "Алоқа тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги,

"Киберхавфсизлик тўғрисида"ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунчиликнинг такомиллаштирилиши мазкур йўналиш иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладди.

Рақамли технологиялар миллий парламентимиз ҳаётида ҳам муҳим ўринга эга бўлмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Электрон парламент" лойиҳаси доирасида қонун ижодкорлиги жараёнларини автоматлаштириш, парламент электрон хужжат айланиш тизимига ўтиш, қўйи палата депутатларининг ўз сайловчилари билан тўғридан-тўғри алоқа қилишлари учун депутатлар порталини такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Депутатлар ва Девон ходимлари фойдаланишлари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносидида замонавий



электрон ахборот кутубхона ишга туширилди ва ишлаб турибди. Электрон кутубхона орқали Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, "Жаҳон рақамли кутубхонаси" (БМТ ва АҚШ Конгресси қўшма лойиҳаси), "Европа рақамли кутубхонаси" ва "Google кутубхонаси" фондларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек, 97 та мамлакатда 54 та тилда нашр қилинган жаҳон илмий тадқиқотлари базасига эга — "JSTOR", "Library Press Display" ва жаҳоннинг бошқа қатор машҳур электрон кутубхоналаридан фойдаланиш имконияти яратилди.

Мамлакатимиз муҳим тарихий сана — Истиқлолнинг 31 йиллиги арафасида ўз ривожланиш тенденциясига ишонч билан қарамоқда, ўзининг мустақил тараққиёти йўлидаги вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширмоқда. Бунда миллий ахборот макони муҳим роль ўйнаган ва ўйнайди. Янги Ўзбекистоннинг сиёсий курсини реализация қилиш ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, тегишли ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратиш билан боғлиқ бўлади. Энг муҳими, Ўзбекистонда ушбу жараёнларда давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти билан конструктив консенсусга эришилган ва мазкур секторлар давлатимизнинг ахборот суверенитетини барқарор ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати
ва ахборот технологиялари масалалари
қўмитаси раиси.



SANOAT QURILISH BANK



«O'zsanoatqurilishbank» jamoasi barcha
yurtdoshlarimizni mamlakatimiz
mustaqilligining 31 yilligi bilan
samimiy muborakbod etadi!
Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo,
xalqimiz omon bo'lsin!

Mustaqillik bayramingiz
muborak bo'lsin!

Xizmatlar litsenziyalangan.

fido-biznes

«FIDO-BIZNES» компанияси жамоаси

азиз ватандошларимизни, ҳамкорларимизни
ва ҳамкасбларимизни Мустақиллик куни билан
табриклайди!

Барчага мусаффо осмон, мустаҳкам соғлиқ,
омад ва муваффақият ёр бўлишини тилайди!

Мамлакатимизда доимо тинчлик, барқарорлик,
бирдамлик, фаровонлик, бахт-саодат
бардавом бўлсин!



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил
11 августдаги қарорига
асосан, Санитар тозалаш
бўйича ихтисослаштирилган
корхоналар республика
бирлашмаси
(СТИР: 207287147)
тугатилади.

Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 17 августдаги 377-сон буйруғи билан тугатиш комиссияси тасдиқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кредиторлар ёки уларнинг ишончли вакиллари ишонч хати ва шахсни тасдиқловчи хужжат ҳамда кредиторлик қарзлари тўғрисидаги тегишли равишда расмийлаштирилган солиштирма далолатнома билан келишлари шарт. Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан бошлаб, муваққат бошқарувчига муурожаат қилишлари мумкин.

Муурожаат учун манзил: Тошкент
шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
Сайрам кўчаси, 15-уй.
Тел.: 71-268-34-48, 71-267-18-02,
электрон манзил: stb@uznature.uz,
www.eco.gov.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 010 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун бўлгани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6